

носозлик ҳисобланмайди, бу нарса картага ёзилган ахборотдан нусха кўчириб олинишига йўл қўмаслик учун зарур.

16. Нақд пул ечиб олиш операцияси тугалангандан кейин пулни, картани ва чекни олишни унутманг. Акс ҳолда пуллар ва карта бир неча муддатдан кейин банккомат томонидан тутиб қолинади.

17. Агар банккомат картангизни тутиб қолган бўлса, уни блоктировкалаштириб, картани қайтариб олиш учун банккоматга хизмат кўрсатувчи банкка мурожаат этишингиз зарур. Банк биносидан ташқарида жойлашган банккоматда банккоматга хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган бўлади.

#### **КАРТАДАН ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ФЙДАЛАНГАНДА ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ:**

1. Гуёки банк номидан хусусий ахборот беришни илтимос қилаётган электрон хатларга жавоб берманг. Хатнинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун банк билан боғланинг.

2. Ана шундай хатларда ҳавола этилган сайтларга кирманг (хатто банкнинг манзили кўрсатилган бўлса ҳам) чунки аслида бундай ҳаволалар сизни фирибгарлик сайтларига олиб кириши мумкин.

3. Интернетда ишлаш чоғида ўз ПИН-кодингизни киритманг ва маълум қилманг. Интернет орқали товар ёки хизмат учун ҳақ тўлаш учун куйидаги маълумотлар сўралиши мумкин:

- карта эгасининг номи, картада ёзилган шаклда;

- карта рақами (тўлиқ);

- картанинг амал қилиш муддати. CVV2\*

\*CVV2 (Card Verification Value) коду — карта устига чоп этилган учта рақамли сон бўлиб, сиз ҳақиқатан карта эгаси эканлигини тасдиқлайди.

4. Ўзингизги маълум ва ўрганилган савдо корхоналарининг хизматидан фойдаланинг.

5. Картадан Интернет тармоғида фойдаланишдан олдин башарти можароли вазият ёки масала вужудга келса, савдо ташкилоти билан боғланиш имконияти мавжуд эканлигини аниқланг. Интернет саҳифада кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари ҳаққоний-лигига ишонч ҳосил қилинг.

6. Ўзингиз уланган интернет сайтларининг манзилларини текшириб кўринг, зеро ёвуз ниятли шахслар аслида мавжуд компанияларнинг номига ўхшаш номлардан ва манзиллардан фойдаланиб, сизни қалбаки сайтга киришга ундашлари мумкин.

7. Агар интернет-сайтига ташрифингиз чоғида қандайдир шубҳа туғилса ёки ўз картангизнинг маълумотларини ёки хусусий маълумотларни тақдим этгингиз келмаса, саҳифадан чиқиб кетинг ва банкка ўз гумонларингизни маълум қилиб, харидни бошқа жойда амалга оширинг.

8. Ишончли вақилга ўз хусусий маълумотларингизни тақдим этиш зарур бўлиб қорлса, криптографик ҳимоя воситаларидан фойдаланинг, зеро оддий почта жўнатмалари йўлда тутиб олиниши ва сизнинг зиёнингизга фойдаланилиши мумкин.

9. Компьютерингизга антивирус дастурий таъминотини ўрнатиб олинг ва ушбу дастурни, шунингдек ўзингиз фойдаланаётган бошқа дастурий таъминотларни (амалиёт тизими ва илова дастурларини) — бу сизни вируслардан ва бошқа бузғунчи дастурлардан ҳимоя қилади.

10. Компьютерингизга тармоқлараро экран (firewall) ўрнатиб олинг, у компьютерингизга тажовузкорона дохилликдан асрашга ёрдам беради.

11. Фақат ўз компьютерингиз (телефонингиз) орқали харид қилинг, интернет-кафе ва бошқа бегона воситалардан фойдаланманг, уларга сиз киритаётган махфий ахборотни хотирлаб қолувчи жосус дастурлар ўрнатилган бўлиши мумкин .

Харидларни операцияларнинг хавфсизлик стандартлари даражасида ўтказиладиган сайтлардан амалга оширинг. Ушбу сайтлар ўз сайтларига шундай технологияларнинг логотипларини ўнатган бўлади.

#### **ХТК ФЙДАЛАНУВЧИЛАРИГА ЁРДАМ ХИЗМАТИ:**

**VISA:** Дунёнинг исталган мамлакатидан куйидаги рақамга кўнғироқ қилишингиз мумкин +1 (303) 967 1096 (АҚШ) ёки куйидаги ҳаволага мурожаат этинг: [https://usa.visa.com/dam/VCOM/download/personal/security/gcas\\_general\\_numbers.pdf](https://usa.visa.com/dam/VCOM/download/personal/security/gcas_general_numbers.pdf)

**UP:** Куйидаги рақамга кўнғироқ қилишингиз 95516 (Хитой) куйидаги ҳаволага мурожаат этишингиз ҳам мумкин [www.unionpayintl.com/en/serviceCenter/hotline](http://www.unionpayintl.com/en/serviceCenter/hotline)

**«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ:** Картани йўқотилган, ўғирланган ва/ёки ноқонуний фойдаланилган ҳолатларда Карта ҳисобварағи бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш (картани блоклаштириш) учун зудлик билан Банкка содир бўлган ҳодисани телефон орқали тилсим-сўздан фойдаланган ҳолда куйидаги рақамга маълум қилинг: 231-60-00 .

#### **СМС ХАБАРНОМА/ХУСУСИЙ КАБИНЕТ ХИЗМАТИ:**

«ASIA ALLIANCE BANK» томонидан кўрсатиладиган «Хусусий кабинет» хизмати VISA халқаро пластик картасидаги қолдиқни назорат қилиш, ҳисобварақ бўйича маблағлар ҳаракатини кузатиб бориш, шунингдек карта йўқотилган тақдирда уни блоклаштириш имконини беради. Банкнинг масъул мутахассисига ўз телефон рақамингизни тақдим этиш бунинг мажбурий шarti ҳисобланади. «Хусусий кабинет» хизматидан фойдаланиш учун банкнинг [www.aab.uz](http://www.aab.uz) сайтига кириш. Кейин куйидаги босқичлардан ўтинг: «Интернет банкинг» бўлимидан «Хусусий кабинет» хизматини танланг. «Хусусий кабинет» хизматига киргач, ЛОГИН сатрида ўз паспортингизнинг сериясини ва рақамини кўрсатинг. «Пароль олинг» сатрига кириш ва ўз мобил телефонингиздан «Хусусий кабинет»га кириш учун сизга берилган пароль кўрсатилган СМС-хабарномани қабул қилиб олинг. Хизмат пуллик.

#### **TELEGRAM ЁРДАМИДА БАЛАНСНИ ТЕКШИРИШ ХИЗМАТИ:**

Балансни текшириш учун Telegram мессенжерига кириш ва ботнинг манзилини излаш сатрига [@AABVISA\\_bot](https://t.me/AABVISA_bot) ни киритиб, «СТАРТ» тугмасини босинг. Шундан кейин тезкор рўйхатдан ўтиш зарур, бунинг учун: тилни танланг: русча ёки ўзбекча; кейинги босқичда карта расмийлаштирилган ўз паспорт маълумотларингизни: серияси ва рақамини маълум қилинг. Масалан: AA1234567 (ҳарфлар лотин алифбосида, орасини очмадан тиркаб ёзилади, киритиш регистрининг аҳамияти йўқ). Кейин «ЖУНАТИШ» тугмаси босилади. Агар маълумотлар нотўғри киритилган бўлса, бот маълумот нотўғри киритилгани тўғрисида хабар беради. Паспорт маълумотлари бўйича муваффақиятли авторизация амалга оширилгач, «ЯКУНЛАШ» тугмасини босинг. Картани кўшиши учун «КАРТА ҚЎШИШ» тугмасини босинг. Сизга картанинг охириги 4 рақамини киритиш тавсия этилади. Картанинг охириги 4 рақамини киритинг. Баланснинг аҳволини кўриш учун картанинг рақами кўрсатилган тугмани босинг.

#### **Хабарномада сиз куйидаги маълумотларни оласиз:**

1. Карта - карта ҳисобварағининг ҳолати.
2. Баланс - депозит маблағлари ҳисобга олинманган жорий баланс.
3. Блоклаштирилган маблағлар - вақтинча блоклаштирилган маблағлар кўрсатилади.
4. Умумий баланс - депозит маблағлари ҳисобга олинган баланс.

#### **Хизмат кўрсатиш бўлинмалари:**

##### **Амалиёт бошқармаси**

100047, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси (аввалги Тараққиёт), 2 а уй  
Телефонлар: (+998 71) 231-60-00, 231-60-06

##### **Шайхонтоҳур филиали**

100128, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Шайхонтоҳур кўчаси, 87а уй  
Телефон: (+998 71) 228-69-00

##### **Мирзо-Улуғбек филиали**

100170, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1 уй  
Телефон: (+998 71) 262-33-96

##### **Олмазор филиали**

100069, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шимолий Олмазор кўчаси, 13 б уй  
Телефон: (+998 71) 230-42-02

##### **Миробод филиали**

100094, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 532/1 уй  
Телефонлар: (+998 71) 299-51-82, 299-51-83

##### **Бухоро филиали**

200107, Бухоро шаҳар, Б.Нақшбандий кўчаси, 195-А уй  
Телефон: (365) 223-04-08

##### **Қарши филиали**

180001, Қарши шаҳар, Ўзбекистон ва Жураев кўчалари кесишмасида  
Телефон: (375) 225-19-91

##### **Самарканд филиали**

140100, Самарканд шаҳар, Камол Отатурк кўчаси.  
Телефонлар: (366) 231-00-33, 231-18-30

**«ASIA ALLIANCE BANK» АТБнинг ишонч телефони:**

(+998 71) 289-42-42

[www.aab.uz](http://www.aab.uz)



## VISA ва UnionPay халқаро пластик карталари

### Картадан фойдаланувчига эслатма



[www.aab.uz](http://www.aab.uz)

